

Табиат – бизнинг умумий уйимиз. Уни асраш фақат экологларнинг эмас, ҳар бир фуқаро, ҳар бир меҳнат жамоаси, жумладан, касаба уюшмаларининг ҳам бурчидир. Атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва энергия тежамкорлигини ҳаёт тарзига айлантириш – барқарор тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Президентимиз 2025 йил 17 октябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувида белгилаб берган топшириқлардан бири бевосита шу йўналишда бўлиб, ҳудудларда «Касаба уюшмалари боғлари»ни барпо этиш орқали юртимиз ободлигига ва экологик маданиятни юксалтиришга ҳисса қўшишдан иборат эди.

Сирдарё вилояти аҳли ҳам ушбу эзгу ишлардан четда қолаётгани йўқ. Бугунги кунда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида, ҳар бир ташкилот, муассаса, саноат объектлари атрофида «Касаба уюшмалари боғлари» пайдо бўлмоқда. Хусусан, Тошкент кимё-технология институтининг Янгигер филиали ҳудудидаги 0,5 гектар ерда замонавий ландшафт талаблари асосида ана шундай боғ ташкил этилди. Унга 5 турдаги 150 туп мева ва манзарали дарахт, шунингдек, 4 турдаги 600 та гул қўчатлари ўтқазилиб, муассаса профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун қулай экомужит яратилди. Бугун боғнинг гўзал манзараси ёшлар учун илҳом манбаига айланиб улгурди.

Ширин шаҳридаги «Сирдарё ИЭС» АЖ ҳудудида 0,8 гектар майдонга 6 турдаги 70 туп манзарали дарахт ва 500 туп гул қўчатлари экилиб, энергетика корхонаси ходимлари ҳамда маҳаллий аҳоли учун қулай дам олиш маскани яратилди. Боғ атроф-муҳитни яхшилаш, аҳоли соғлом турмуш тарзини рағбатлантириш ва ижтимоий руҳни кўтаришга хизмат қилмоқда.

Сирдарё туманидаги «Sirdaryo-Mega-Luks» МЧЖ ҳудудида 10 гектар майдонда кенг қўламли қўқаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, 18 000 дона дарахт ҳамда 40 000 туп гул қўчатлари экилиб, ҳудуднинг экологик ва эстетик ҳолати тубдан яхшиланди. Бу боғлар меҳнаткаш халқимизнинг ўз иш жойи ва ҳудудига меҳр-мухаббатининг ёрқин тимсолидир.

Жорий йили мавсум яна бир муҳим янгилик билан ёдда қолмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» кўрик-танлови меҳнат жамоалари ўртасида соғлом рақобат ва табиатни асраш масъулиятини янги босқичга олиб чиқди. Меҳнат жамоаларида экологик маданиятни шакллантириш, ходимларни энергия тежамкорлигига ўргатиш, чиқиндиларни саралаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, дарахт экиш акцияларини ташкил этиш каби ташаббуслар айнан касаба уюшмалари орқали амалга оширилмоқда.

«Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» танловида иштирок этган ҳар бир ташкилот бу ҳақиқатни ўз фаолиятида исботлади. Танловнинг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаган Боёвут туманидаги 19-умумтаълим мактаби, Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси, Сайхунбод тумани тиббиёт бирлашмаси, Сирдарё вилояти экология бошқармаси ҳамда Гулистон олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази бошланғич касаба уюшмаси жамоалари шунчаки голиблар эмас, балки келажакнинг эко-қаҳрамонларидир.

Бу танлов ҳар бир ходимнинг онгу шуурида «Табиат – бизнинг уйимиз» деган тушунчани шакллантиришга хизмат қилди. Ҳар туп қўчатнинг илдиш отиб кетиши, ҳар бир янги ниҳолнинг парвариши – бу миллий боғдорчилик анъаналаримизнинг давомийлигини таъминлайди. Танлов иштирокчилари боғ барпо этиш асносида уни сақлаш, сўғоришнинг инновацион технологияларини жорий этиш ва ҳудудларни обод қилиш бўйича ўзаро тажриба алмашишмоқда. Винобарин, «Касаба уюшмалари боғлари» қалб қўри билан яратилаётган яшил ороллардир.

Рустамбек ТУРСУНМУРАДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Сирдарё вилояти
кенгаши раиси

● Gazeta 1991–yil 21–martdan chiqa boshlagan

● O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

10 йилда

20,8 фоиздан 66,8 фоизгача

Қашқадарёда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашда улкан натижаларга эришилмоқда



Робиза Аловхонова эллик ёшлар атрофида. У Деҳқонobod туманининг олис Харибулоқ қишлоғида яшайди. Уй-рўзгор юмушлари билан банд бўлган бу аёлни йиллар давомида тоза ичимлик сув тақчиллиги муаммоси қийнаб келди. Қишлоққа марказлашган ичимлик сув етиб бормагани боис фарзандлари навбат билан эшакда қўшни қишлоқлардан сув ташишарди. Бунинг учун ҳар куни уч-тўрт соат вақт сарфлашар, тоғу адирлар орасидаги машаққатли йўللارни босиб ўтишга мажбур бўлишарди.

Жорий йил бошида қишлоқ аҳлининг кўп йиллик орузси ушалди. Тоғ бағридаги булоқдан махсус қувурлар тортилиб, Харибулоққа тоза ичимлик сув олиб келинди. Энди маҳалла аҳли сув ташиш ташвишидан халос бўлди. Дарҳақиқат, Қашқадарё вилоятида тоза ичимлик сув билан боғлиқ муаммолар йиллар давомида тўпланиб қолган эди. Китоб, Шахрисабз ва Яккабоғ туманларининг айрим ҳудудларида марказлашган сув таъминоти мавжуд бўлса, тоғли қишлоқлар асосан булоқ сувидан фойдаланарди. Қарши шаҳри ҳамда чўл ҳудудларида жойлашган туманлар аҳолиси махсус техникалар орқали келтирилган сувни сотиб олиб, ҳовузларда сақлашга мажбур эди. Бу кундалик турмушда қатор ноқулайликларни келтириб чиқарарди.

Бугун эса вазият тубдан ўзгармоқда. Агар саккиз-ўн йил аввал вилоят аҳолисининг атиги 20,8 фоизи марказлашган

ичимлик сувдан фойдаланган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 66,8 фоизга етди. Бу бир миллион икки юз мингдан ортик аҳолининг турмуш сифати яхшиланди деганидир.

Сўнгги уч йилнинг ўзида вилоятда соҳага 1 триллион 63 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Шунинг ҳисобидан 233 та объектда 3,5 минг километрдан зиёд ичимлик сув тармоқлари қурилди, юзлаб обихаёт иншоотлари барпо этилди ва реконструкция қилинди. Натижада 301 минг нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди, яна 139 минг нафар фуқаронинг сув таъминоти сезиларли даражада яхшиланди.

Бундай ишлар вилоятнинг энг чекка туманларида ҳам кенг қўлама амалга оширилмоқда. Энг муҳим лойиҳалардан бири Муборак туманида ҳаётга татбиқ этилди. Чўл бағрида жойлашган ушбу туманга марказлашган ичимлик сувнинг етиб келиши том маънода тарихий воқеа бўлди.

– Эрталаб туриб жўмракни бурсангиз, шилдираб сув оқади. Илгари бундай қулайлик фақат катта шаҳарларда бўлади, деб ўйлардик, – дейди Фаёза Эшмуродова. – Энди эса хонадонимизда тоза ичимлик сув бор. Бундан жуда мамнунмиз.

Муборак тумани марказида барпо этилган янги сув тўплаш ва узатиш иншооти йирик лойиҳанинг муҳим бўғинига айланди. Натижада туман маркази ҳамда унга туташ етти та маҳалла илк бор марказлашган ҳолда ичимлик сув билан таъминланди. Яна бешта маҳаллада мавжуд сув тармоқлари тўлиқ янгиланмоқда.

Бу ишлар Вазирлар Маҳкамасининг Ко-

сон ва Муборак туманлари ҳамда Китоб – Шахрисабз ерости сув қонига яқин ҳудудларни ичимлик сув билан таъминлаш ҳақидаги қарори доирасида амалга оширилмоқда. Қиймати 51 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳага асосан иккита йирик сув тақсимлаш иншооти барпо этилди, 801 километр ичимлик сув тармоқлари қурилди ҳамда соҳа корхонаси учун янги маъмурий бино фойдаланишга топширилди.

Албатта, қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Айрим маҳаллаларга марказлашган ичимлик сув тармоқлари ҳали етиб бормаган. Бироқ, энг муҳими, бу муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ режалар ва амалий ишлар мавжуд.

Бугунги кунда Қамаш, Ғузор, Деҳқонobod, Чирокчи, Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Қарши ҳамда бошқа ҳудудларда янги лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Режага қўра, барча лойиҳалар тўлиқ якунлангач, Қашқадарё вилоятида марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 84 фоизга етказилади.

Сув – табиат инъоми, соғлиқ, фаровонлик ва тараққиёт манбаи. Бугун Қашқадарёда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар одамларнинг муносиб ҳаёт кечиришига, ҳаёт сифати яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Айрим тоифа
шифокор ва фармацевтларга
уй-жой учун субсидия
бериш тартиби
ишлаб чиқилди



Иш ташлаш
ҳуқуқи:
суд нимага
эътибор қаратиши
лозим?



ИШОНЧ КЎПРИКЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАГАН МУЛОҚОТ

Юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати инсон қадрини улуғлаш, навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Бу эзгу мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳам фаол иштирок этиб, йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ташаббус ва лойиҳаларни амалга

оширмоқда. Бу борадаги ҳар бир учрашув, ҳар бир тадбир, ҳар бир амалий ташаббус замирида эса битта ғоя – ёшлар келажакига ишонч масаласи мўжассам.

Ёшларнинг таклиф ва ташаббусларини эшитиш, муаммоларига ечим топиш ҳамда раҳбарлар билан эркин мулоқот қилишлари учун имкониятлар яратиш мақсадида вилоятнинг барча ҳудудларида «Раҳбар ва ёшлар» учрашувлари ўтказилмоқда. Самарқанд шаҳридаги Ёшлар маркази, таъ-

лим муассасалари, олий ўқув юрталари ва касаба уюшмалари тизимида бўлиб ўтган мулоқотларда 1245 нафар талаба ва ўқувчи иштирок этди. Уларга меҳнат қончилиги, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, жамоа шартномаларида белгиланган қўшимча имтиёз ва қафолатлар ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Бу мулоқот учрашувлар ёшлар билан раҳбарият ўртасидаги ишонч кўпригини янада мустаҳкамлади.

Ёшлар овози

Ҳар қандай мамлакатнинг қудрати унинг билимли, фидоийи ва ватанпарвар ёшлари сайй-ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Бизда ҳам шундай ҳолат кузатилмоқда: йигит-қизларимизнинг интилиши, ғайрати ва ташаббуси Янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Касаба уюшмалари эса бу йўлда уларга қанот бўлмоқда.

Ферузбек РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Самарқанд
вилояти кенгаши раисининг
ёшлар масалалари
бўйича маслаҳатчиси

2026-yil,
7-iyul,
seshanba
№83
(5303)

КУНИНГ
МУҲИМ
ВОҚЕАЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Тошкент шаҳрининг Сергели туманига ташриф буюриб, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва амалга оширилган лойиҳалар билан танишди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, хусусан, Сергели туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Ташриф
тафсилотлари
билан батафсил
танишиш учун
қуйидаги
ҳаволага ўтинг:



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги» эсдалик нишони таъсис этилади.

Фармон билан «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги» эсдалик нишонининг Низоми ва тасвифи ҳам тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни телефон орқали мулоқотда Қозғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбаевни таваллуд куни билан самимий табриклар, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва узоқ умр тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар ва мухожирлар масалалари бўйича вазири Айман Хусайн Сафадий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев нефть-газ тармоғида навбатдаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши юзасидан ахборот билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев чўлланишга қарши курашиш ва чўл иқтисодиётини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарларда «яшил шаҳар» тамойилларини жорий этиш юзасидан тақдифлар тақдироти билан танишди.



Касаба уюшмаси аралашгач...

Меҳнат муносабатларида қонун устуворлиги нафақат ҳодимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, балки иш берувчининг масъулиятини ҳам белгилайди. Бухоро вилоятида юз берган навбатдаги меҳнат низоси ва унинг қонуний ечими бу фикрнинг яққол исботидир.

«1ФИТ-АПШ» МЧЖ корхонасида «Ҳам-корлар билан ишлаш менежери» лавозимида фаолият юртиб келаётган Ф.Чориев билан тузилган меҳнат шартномаси ўтган йил 2 октябрда Меҳнат кодексининг 161-моддасига асосан бекор қилинган. Бу жараёнда амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари қўпол равишда бузилган. Энг асосийси, буйруқ чиқарилган вақтда ходим соғлигини йўқотиб, меҳнатга лаёқатсиз ҳолатда бўлган. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 163-моддасида эса ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш қатъиян тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, иш берувчи томонидан интизомий жазо чораси қўлашнинг бир қатор мажбурий қоидаларига ҳам панжа орасидан қаралган. Жумладан, ходимдан содир этилган қилмиш юзасидан ёзма тушунтириш хати талаб қилин-

маган, шартномани бекор қилиш ҳақида унга уч кун олдин ёзма огоҳлантириш берилмаган. Лоақал ходим ташкилотнинг ички меҳнат тартиб-қоидалари билан имзо қўйдирилган ҳолда таништирилмаган. Қабул қилинган буйруқда эса Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисмининг тегишли банди ва ички тартиб-қоидаларининг асослари кўрсатилмаган.

Ҳолат юзасидан ходимнинг манфаатларини кўзлаб судга даъво-ариза киритдик. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг хал қилув қа-

рорига асосан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилди. Натижада Ф.Чориевга ишга тикланиш ўрнига тоvon пули сифатида 34 миллион сўм, мажбурий бекор юрган даври учун 32 миллион сўм ҳамда унга етказилган маънавий зарар учун 7 миллион сўм, жами 73 миллион сўм маблағ иш берувчидан ундирилиши белгиланди.

Мурод АРСЛОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ҳилм инсон вужудининг хушманзара боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир.

Алишер Навоий

Кўрик-танлов

ТОШГА ЁЗИЛАЁТГАН НАҚШ



Хоразм вилояти Ахборот-кутубхона марказида корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган 35 ёшгача бўлган ишчи-ҳодимлар ўртасидаги «Энг фаол ёш китобхон» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева тадбирни очар экан, кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган илм-маърифатни ривожлантириш, китобхонликни омма-

лаштириш борасидаги ишлар ҳақида айтиб ўтди. Жумладан, бу жараёнда касаба уюшмалари ҳам фаол қатнашиб, уч босқичдан иборат «Энг фаол ёш китобхон» кўрик-танловини ташкил этганини таъкидлади.

Биринчи босқичда минг нафардан ортиқ ёшлар ўз билимларини намойиш этишди. Иккинчи босқичда эса юқори ўринларни қўлга киритган 24 нафар энг фаол китобхон тест синовлари ва савол-жавоблар воситасида беллашдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари Гавҳаржон Ибодуллаева ва малакали ҳакамлар ҳайъати иштирокчилар ютуқларини ҳолисона баҳолаб боришди.

– Касаба уюшмалари китобхонлар ва ёзувчиларни бир-бири билан боғлайдиган қўприк вазифасини ўтаётганидан хурсандмиз, – деди Гавҳаржон Ибодуллаева.

Якуний натижаларга қўра, энг юқори балл тўплаган Абу Райхон Беруний номидаги Урганч давлат университети катта ўқитувчиси Мубия Отамуротова биринчи, Богот туманидаги 2-сонли техникум ўқитувчиси Камолот Аминова иккинчи, Хонқа тумани 3-сонли техникум ўқитувчиси Лобархон Эркинбоева учинчи ўринни қўлга киритди.

Ҳолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши томонидан махсус диплом ва мукофотлар билан тақдирландилар. Танлов иштирокчиларига faxрлий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаббат ТЎРАБОВА
«ISHONCH»

ЭНГ ФАОЛ ЁШ КИТОБХОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, муталаага қизиқишни янада ошириш ҳамда маънавий-интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш мақсадида юртимизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳам 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ишчи-ҳодимлар ўртасида «Энг фаол ёш китобхон» кўрик-танловини ташкил этди. Бу маънавий-маърифий тадбирда турли соҳаларда меҳнат қилаётган 30 нафар ёш ходим иштирок этди. Улар «Муталаа билимдони» шартида адабиёт, китобхонлик ва умумий билимларга оид 20 та тест саволига жавоб берган бўлса, «Зеҳн синови» шартида эркин фикрлаш, таҳлилий ёндашув, нутқ маданияти ва ижодий қобилиятларини намоён этишди.

Танловнинг энг ёрқин жиҳатларидан бири иштирокчиларнинг муаллифлик шеърлари билан чиқишлари бўлди. Самимий ҳис-туйғулар, ҳаётга муҳаббат ва Ватанга садоқатни ифода этган ижод намуналари йиғилганлар томонидан катта қизиқиш ва олқишлар билан қарши олинди.

Фалсафа фанлари доктори, шоира Шаҳло Ахророва китоб инсон маънавиятини юксалтирувчи, тафаккурини чархловчи ва дунёқарабини бойитувчи энг бебаҳо бойлик эканини таъкидлади. Бундай танловлар ёшларни муталаага ундаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ҳамда билимли, ватанпарвар ва фидойи кадрлар бўлиб камол топишида муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Танлов якунида ҳолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, барча иштирокчиларга рағбат сифатида Зомин туманига икки кунлик саёҳат йўлланмалари топширилди.

Малика ТОЛИПОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



САВОЛ: Маиший техника дўконига харид учун кирдим. Керакли товарларнинг нарх-навосини уйдагиларга кўрсатиш ва маслаҳатлашиш учун телефонимда суратга олдим. Аммо сотувчилар бундан норози бўлиб, мени жарима солиш билан кўрқитишди. Уларнинг бу иши тўғрими?

Азиз РАҲИМОВ
Фарғона вилояти

СУРАТГА ОЛИШ МУМКИН ЭМАСМИ?

ЖАВОБ: Аслини олганда дўконлардаги чакана савдога мўлжалланган товарлар ва уларнинг нархлари оммавий оферта, яъни истеъмолчи (харидор)га товарни муайян баҳода сотиб олишни тақлиф қилишдир.

Фуқаролик кодексининг 426-, 427-моддаларига мувофиқ, товар рекламаси, каталоглар, шунингдек, товарларни кўргазмага қўйиш, уларнинг намуналарини намойиш

қилиш ёки улар ҳақида маълумотлар бериш ҳамда товарнинг но-муайян шахслар доирасига қаратилган бошқа таърифлари орқали тақлиф қилиш оммавий оферта ҳисобланади.

Сотувчи товар тўғрисида харидорга зарур ва тўғри ахборотни, жумладан, маҳсулот нарх-навоси тўғрисида қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ ахборот бериши шарт. Ҳусусан, «Ис-

Сўранг, жавоб берамиз...

теъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талабларига қўра, харидор ўзи сотиб олмақчи бўлаётган товар ва унинг нархи ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқига эга.

Маълумотларни харидор ёзиб олиш, видео ёки фотосуратга тушириш борасида эса қонунчиликда ҳеч қандай чора белгиланмаган. Демак, мижоз товар ва унинг нархи тўғрисидаги маълумотни ўзи хоҳлаган тарзда қабул қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт бўлими

Ички туризм

ЮРГАН ДАРЁ...

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан 150 нафар тиббиёт ходими учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Саёҳат дастури доирасида иштирокчилар мамлакатимиздаги энг йирик маънавий-маърифий масканларидан бири — Ислоҳ цивилизацияси марказига таъриф буюрдилар. У ерда халқимизнинг бой тарихий ва илмий мероси, буюк алломаларимиз ҳаёти ва фаолиятига оид ноёб экспонатлар билан танишиб, катта таассуротга эга бўдилар.

Саёҳатнинг яна бир эсда қо-

ларли жиҳати Тошкент вилоятидаги «Amirsoy» дам олиш масканига таъриф бўлди. Бу ердаги ҳордиқ ва гўзал табиат қўйнида ташкил этилган спорт мусобақалари иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Шоҳидаҳон КАРИМОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси

ТАБИАТ БАҒРИДАГИ МАЪРИФИЙ СУҲБАТЛАР

Меҳнаткашларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг маданий ҳордиқ чикариши учун қўлай шароитлар яратиш ҳамда ички туризмини ривожлантириш бугунги кунда касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Жиззах вилоятининг Зомин туманига саёҳат уюштирди.

Саёҳатга ҳудуддаги турли корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган бир гуруҳ ишчи-ҳодимлар билан бирга «Энг фаол китобхон» кўрик-танловининг вилоят босқичи иштирокчилари ҳам жалб этилди. Улар Зомин туманининг бетакрор табиати, мусаффо ҳавоси ва сўлим манзараларидан баҳраманд бўлдилар. Дикқатга сазовор масканлар билан танишиб, ҳудуднинг тарихи ва бугунги тараққиёти ҳақидаги қизиқарли маълумотлар ҳам

олишди. Табиат қўйнидаги сайрлар ва маданий тадбирлар меҳнаткашларга кундалиқ иш фаолиятидан бироз бўлсада узоқлашиб, мазмунли ҳордиқ чиқариш имконини берди.

Сафар давомида иштирокчилар ўртасида самимий мулоқотлар ўтказилди. Жумладан, «Энг фаол китобхон» кўрик-танлови иштирокчилари ўзларининг китобхонлик тажрибалари, сеvimли асарлари ва муталаанинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида фикр алмашдилар. Бу эса саёҳатнинг маънавий-маъри-

фий аҳамиятини янада оширди.

Тадбир қатнашчилари бундай саёҳатлар меҳнаткашлар кайфиятини кўтариш, жамоаларда ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини таъкидладилар. Мамлакатимизнинг тарихий ва табиий масканларига уюштирилаётган бундай сафарлар инсон қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат туйғуларини янада кучайтиришини қайд этдилар.

Ўз мухбиримиз



Заковат

ЖАМОАВИЙ ТАФАККУР МЕВАСИ

«Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятида «Заковат» интеллектуал мусобақаси ташкил этилди. Унда корхонанинг 60 нафар йигит-қизлари қатнашиб, ўз билимлари ва салоҳиятларини синовдан ўтказишди.

Қизгин кечган тадбирда «Ўзметкомбинат» АЖнинг ёш ишчи-ҳодимларидан иборат 10 та жамоа куч синашди. «Бекобод рангли металл ишлаб чиқариш корхонаси» МЧЖ, «Маҳсулот сифати ва стандартларга риоя этилиши назорати хизмати», «Навли прокат бўлинмаси», «Қуюв прокат мажмуаси», «Мухандислик маркази» каби бўлимлардан иштирок этган энг сара ёшлар шулар жумласидандир. Тадбирда «Ўзметкомбинат» АЖ Бошқаруви раиси, бош директор Баҳодир Абдуллаев ҳам қатнашиб, ёшларни байрам билан самимий табриклади.

– Мунтазам интеллектуал мусобақалар ўтказиш иш муҳитини қизиқарли қилади ва ҳамжиҳатликни оширади, – дейди корхонанинг касаба уюшмаси қўмитаси раиси Элзара Велиуллаева. – Чунки «Заковат» – бу оддий викторина эмас. У жамоавий фикр-

лашни ривожлантирувчи самарали воситадир. Ишлаб чиқаришда хавфсизлик, интизом ва ҳамжиҳатлик муҳим бўлгани каби интеллектуал ўйинлар ҳам шу сифатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мусобақа якунига қўра, энг яхши натижага эришган «Навли прокат бўлинмаси» жамоаси 1-ўринни эгаллади. Фахрли 2-ўрин «Қуюв прокат мажмуаси», 3-ўрин эса «Маҳсулот сифати ва стандартларга риоя этилиши назорати хизмати» жамоасига насиб этди. Ҳолибларга пул мукофотлари, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Шерали ҲОЖИМУРОДОВ,
Металлургия ва машинасозлик sanoати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Мол-дунёнинг сени алдамасин, чунки асраган мол-дунёнг
бошқаларники бўлади. Уларни сарф эта олсанг, ўша сеники бўлади.

Абу Али ибн Сино



Тасаввур қилинг: ой охирлаяпти. Икки-уч кундан сўнг маош олишингиз керак. Қўлингизга тегиши кутилаётган маблагнинг тийин-тийинигача тақсимлаб, оилавий эҳтиёжлар, зарур харидлар рўйхатини тузиб қўйгансиз. Ниҳоят, пластик картангизга пул тушди. Дақиқа ўтмай, телефонингизга яна бир хабар келди: «...Кредит учун картангиздан 2 миллион сўм ечиб олинди». Ҳолбуки, қарзингиз йўқ эди. Асабийлашганча банкка югурасиз. Маълум бўладики, тўрт ой олдин яқин танишингизнинг уч йил муддатга олинган кредитига «кафилман» дея жимжимадор имзо чекиб бергансиз. У дастлаб икки ойда «интизомли тўловчи» сифатида мажбуриятини бажаргач, кейин эса «Ишим юришмаяпти, чиқимлар кўпайиб кетди», деган баҳоналар билан қарзларни вақтида тўламаган. Шу боис банк ойма-ой тўловни сизнинг картангиздан ечиб олишни бошлаган.

Вазиятдан танишингизни ҳабардор этасиз. У андак хижолатомуз оҳандагидан олинган пулни икки-уч кунда қайтаришини айтиди, бироқ ҳадеганда ҳисоб-китобни жойига қўймай, хунобингизни чиқаради. Ачинарлиси, бу ҳолат кейинги ойларда ҳам мунтазам тақорланаверади. Хуллас, ҳалол меҳнат қилиб иш ҳақи оласиз, пулингизни ўзингиз хоҳлаган вақтда истаганингиздек ишлатолмайсиз. Жуда алам қилса керак-а?

Анджон туманида яшовчи Қодиржон Охунжонов (ўзининг илтимосига кўра, исм-фамилияси ўзгартрилди) мана шундай диққатбозликни бошдан ўтказаяётганга уч йилдан ошди. Ишхонасида бирга ишлайдиган ҳамкасби қайта-қайта илтимос қилганди. Қарз олаётган тadbиркор унинг қадрдони экан. Одамнинг юзи исик, ҳамхонасининг «Шунчаки расмиятчилик учун имзо чекасиз, қолганига ўртада мен турибман-ку», деган қистовидан сўнг ўзи ҳам танимайдиган шахснинг банкдан олаётган 50 миллион сўм маблагини учун кафилиikka рози бўлди.

Тошкент – Термиз М-39 йўлида (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудларида) ҳайдовчиларни ошхоналарга чорловчи реклама варақчаларини тарқатаётган йигитларга кўзингиз тушади. Уларнинг автоуловлар орасида чопаётганини кузатиб, «Тирикчилик одамни нималарга мажбур қилмайди-я?» деган ўйга ҳам борасиз. Агар бир воқеага гувоҳ бўлмаганимда мен ҳам уларга ачиниш билан чекланиб қўя қолардим.

Қисқаси, пойтахтдан қайтаётганимда йўл таъмири сабаб транспорт воситалари ҳаракати секинлашган жойда 5-6 нафар ёш йигитлар автоуловлар ичига оқватқаш шохобчаларининг реклама қоғозларини ташлаш бошлашди. Улардан бири биз чиққан автомашинага яқинлашганида қиракаш қўли билан «керак эмас» ишорасини қилди. Йигитча бундан хафча бўлдим, «Ҳе аянгни...» деганча бошқа автоулов томон югурди. Қўтилмаган ҳақорат ҳайдовчининг тепа сочини тикка қилди ва у бор овози билан болаҳонадор сўқинди: «Ўзингни аянгни...». Кейин қилмишидан хижолат тортиб, олд ўриндиқда ўтирган жувондан уч сўради.

«У ҳозир онадан келди, тўғрими, ё адашдимми?» дея ўсмаққилаганиди, ёнимда ўтирган эркак билиб-билимай оловига мўл сеппи юборди: «Нима деганини тушунадим, лекин биз томонларда «Энангни» деб сўкишади».

Ана шу гап таъсиридами ёки йигитчани жозалашни олдиндан режалаштирганлими, ҳайдовчи «Кобальт»ни бир чеккага тўхтатиб, дилдорсини қидириб кетди. Унинг шайтонга «хай» бермагани бизга маъқул келмади. Ҳаммамиз кўнглисиз вазият юзага келишидан, борар манзилмизга кечиктишдан хавотирда эдик. Бироқ қиракаш 10 дақиқа ўтар-ўтмас қайтиб келди ва бўлган воқеани сўзлаб берди. Айтишчига, ўша йигитни топиб, ёқасидан бўғиди. Урмоқчи бўлган экан, зўр баҳона топибди: «Нотўғри тушунибсиз, ёнингизда ўтирган чиройли опани қўриб, завқим келганидан «Ха, янга», дегандим» деб туртиб олибди. Йигитчаннинг шериги жанжални уяли алоқа воситасида тасвирга олаётганини кўрган ҳайдовчи уриш ва сўкишдан ўзини зўрга тийибди. Бир оздан кейин реклама тарқатувчилар йўл-улов ҳодисаларини келтириб қикариши мумкинлигидан нолиди. Жумладан, қоронги пайларда қўтилмаганда йўлдан чиқиб қолишлари, ҳайдовчининг чалиғишни ёки қўриш қобилиятини панд бериши оқибатида аянчли бахтсиз ҳодисалар юз бериши мумкинлиги ҳақида куйиниб гапирди. У ҳақ эди.

Тўғриси, йигитча сўкинган бўлса

Аммо ўшанда «йўқ» демай, хато қилганини икки ойдан кейин тушуниб етди. Картасидан ечиб олинган пулни тadbиркордан ундиргунча роса асабийлашди. Ойлигидан барака қочди. Уртада турган ҳамкасби эса узр сўраб, елка қисидан нарига ўтмайди.

Бу орада Қодиржон шахсий сабабларга кўра, ишини ўзгартириб, деҳқончилик ҳамда кунлик даромад топадиган юмушларга қўл урди. Энди аввалгидай пластик картасига маош тушмайди, кафилиик галваларидан ҳам кутулгандай бўлди гўё. Аммо олти ойдан сўнг МИБнинг туман бўлимидан келган ижро варақасини қўриб, бошидан хуши учди.

Аён бўлишича, суднинг ҳал қилув қарори билан Қодиржондан 32 миллион сўм миқдорида кредит қарздорлигини ундириш белгиланган экан. Камига ғариброқ оиланинг қора қозонини бир ой қайнатиш мумкин бўлган маблаг миқдорида давлат божи ҳам бўйнига юкланган. Қодиржон дарҳол ўртада турган собиқ ҳамкасбини топиб, ижро ҳужжатини қўлига тутқазди. Афсуски, қарздор бир муддат олдин қўтилмаган хасталикдан вафот этган экан. Марҳумнинг қирқи ўтгач, икки ҳамкасб унинг оила аъзоларига ҳолатни тушунтиришади. «Эрим билан ўрталарингдa қандай олди-берди бўлганини билмайман. Сизларга пул бергани моддий имкониятим ҳам йўқ, мени бевозта қилманлар!» дея дангалини айтди аёл. Қодиржон кафилиик шартномасига имзо чекиб, хатга эмас, нақ ўтга тушганини ана шундагина ҳис этди.

Хуллас, банк олдидаги мажбурият, мана, икки йилдирки, Қодиржоннинг зиммасидан соқит бўлгани йўқ. Суднинг ижро ҳужжати муаллақ турибди. Ижрочилар бир неча бор огоҳлантиришди: улар бугун бўлмаса, эртага хонадондаги мулкларини хатлаб бўлса-да, ундирувни амалга оширишлари тайин. Яқинда ака-укалари, опа-сингиллари тўнланиб, Қирғиз

зистонда яшовчи яқин қариндошини қўриб келишди. Қодиржон эса яқкаланиб қатордан қолди, чунки айнан қарздорлик сабаб четга чиқишига ҳам тақиб қўйилган.

Вилоят миқсидасида ташкилотда ишловчи Мансурбек бошидан ўтказган ҳолат юқорида баён этилган воқеалик билан ўхшаш бўлса-да, ижтимоий-маънавий оқибатлари анча жиқдий. Бошқа бир идорада бош хисобчи лавозимида ишловчи аёл тadbиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун банкдан кредит олмоқчи бўлади. Бу маблаг миқдори каттароқ бўлгани учун, табиийки, гаровга қиймати бaлaндрoқ мулклар қўйилиши талаб қилинади. «Бу аёл яқин қадрдоним, – дейди хисобчини Мансурбекка таништирган ҳамкасби. – Кредитига машинангини гаровга қўйиб турайлик, қарзини бир йилга қолмай узади. Ўзимнинг машинамни берай десам, шусиз ҳам гаровда турибди. Йўқ демагин энди, сени ҳам қуруқ қўймайди».

Мансурбек аввалгига иккиланди, бироқ бирор марта алдовига дуч келмаган неча йиллик ҳамкасбининг раъйини қайтарга олмади. Гаров шартномасини имзолагани эвазига, ғирт анжанчасига айтганда, 300 доллар «нафлангани» рoст.

Аммо орадан уч ойча ўтгач, хисобчи аёл ишлайдиган бошқармада бир неча миллиард сўмлик давлат бюджетни маблаглари талон-торож қилганини маълум бўлиб, раҳбар ва молиявий мaсaлaларга масъуллар терговга тортилади. Айбoв судда тасдиқланиб, бошлиқ ва хисобчи олти йилдан зиёдрoқ муддатга «ичкарига» қириб кетади. Дурустгина мансабидан, доимий даромад манбаидан айрилган одам қaмoқдa ўтирган ҳoлидa бaнқaдан олган кредитини қандай узиши мумкин? Бoз устига, турмуш ўртоғи ҳам «Жазони ўтаб чиққанда ўзи билан гаплaсacизлар!» деб гапни эшитишни ҳам хоҳламаса?

Қутилганидек, муаммо гаровга мулкни қўйиб берган Мансурбекнинг бўйнига тушди.

Аввалгига «Машинамни олиб қўйишмасин» деган хавотирда бир муддат ойлик тўловларни тўлаб юрди. Аммо бoрa-бoрa топгани рўзгор харажатларидан oшмай қoлди. Oхир-oқибaт, машинасини сотди ва ўзганинг 120 миллион сўмга яқин кредит қарзини бирдангига тўлаб қутулди. Бу ёқда оиласида ҳaлoвaт йўқ. Турмуш ўртоғи асосли савoллaр бeрaди дeнг: «Бoлaлaрнинг ризқини қийиб, бeш йил дeгaндa мaшинaли бўлудик. Нeгa уни мeн ҳам тaнимaйдигaн aёлгa гарoвгa қўйиб бeргaнсиз? Нимa, у билaн юрaсизми ё?».

Хуллас, Мансурбек қўрилган зарарни ундиришдан ҳам аввал хисобчини турмуш ўртоғи билан юзлаштириб, унинг шубҳа-гумонларини аритиши керак. Йўқса, oилa парoқaндa бўлиши, уч бoлacи тирик eтимгa aйлaниши ҳeч гaплac. Ҳар ҳoлдa, ҳoзир oилacидa aнa шундaй тaрaнг вaзият юзaгa кeлгaн. Шу бoис тeз-тeз хисoбчи aёлнинг мaҳaллacигa бoриб ундaн-бундaн дaрaклaб турaди. Лeкин жaзoнинг eндигинa тўртдaн бирини ўтaгaн aёлгa қaчoн eнгиллик бeрилишини, қaй вaқтдa вa қaндaй қaйғиятдa oзoдлик чaқишини ҳeч ким билмaйди.

Таассуфки, бугун юқорида тафсилоти келтирилган ҳолатларга тез-тез гувоҳ бўляпмиз. Қўпчиликнинг онгу шуурида «ўзганинг ишончи», «ваъдага вафо», «лафз» тушунчалари қадрият даражасини йўқотди. Кейинги ўн йилликда фуқаролик ишлари бўйича судларда банк билан боғлиқ қарз шартномалари, кафилиик муносабатларига оид низолар энг кўп қўриб чиқилаётган ишлар тоифалари рўйхатидан ўрин эгаллаган. Суд жараёнларини кузатсангиз, қафиллар асосан уч хил сабабга кўра рози бўлганини айтишади: қарздорнинг панд бермаслигига ишонувчанлик, ҳуқуқий оқибатдан беҳабарлиқ, тўғрироғи, шартномани ўқиб-ўқимай имзолаш ҳолатлари ва ниҳоят, розилиги эвазига оз-моз моддий манфаат қўриш.

Марказий банк меҳнат бозори бўйича 2026 йилнинг биринчи чораги шарҳини эълон қилди. Унга кўра, иқтисодий фаоллик юқори даражада сақланди. Ваканциялар сони кўпайиши, ишсизлик даражаси пасайиши, хусусий секторда бандликнинг кенгайиши ва иш ҳақларининг ўсиши иқтисодиётда меҳнат ресурсларига бўлган талаб барқарорлигини кўрсатади. Бироқ меҳнат унумдорлиги ўсish суръатларининг секинлашиши ва иш ҳақларининг унумдорликка нисбатан тезроқ ўсиши иқтисодиётда муайян номутаносибликлар юзага кeлaётганини aнглaтaди.

Шу билан бирга, меҳнат бозорида таклиф ҳам тез суръатларда кeнгaймoқдa. Фаол резюмелар сонининг бир йилда 31,5 фоизга oшиб, 636 минг нафарга eтиши иш изловчилар сони oртaётганини билдирaди. Бу ҳoлaт бир тoмoндaн рaқoбaт муҳитини кучaйттириб, иш бeрувчилар учун мaлaкaли кaдрлaрни тaнлaш имкoниятини oшиpca, иккинчи тoмoндaн мeҳнaт бoзopидa мaлaкa вa тaлaб ўртacидaги нoмyтaнoсиблик мaвжудлигини aнглaтиши ҳам мумкин.

Сўнгги йилларда рақамли технологиялар, электрон тижорат, лoгистикa вa мoлиятий хизмaт кaби coҳaлaрaдa юқoри мaлaкaли кaдрлaргa тaлaб oртмoқдa. Лeкин мeҳнaт бoзopигa қириб кeлaётгaн ишчи кунчининг кaсбий қўникмaлaри ҳар дoим ҳам иш бeрувчилар тaлaблaригa мoс кeлмaйди. Oқибaтдa иш ўринлaри қўпaйишигa қaрaмaй, айрим тaрмoқлaрдa кaдрлaр тaнқислиги сaқлaниб қoлиши мумкин.

Энди таҳлил қилиб кўрамиз. Бир томондан, вaкaнциялар сoни ўcаётгани, ишчи кучига тaлaб юқoри экaни қaйд этилмoқдa, иккинчи тoмoндaн эcа, фaол резюмелар сoни тeз суръaтлaрдa oшиб, мeҳнaт бoзopидa рaқoбaт кучaймoқдa. Caвoл туғилaди: aгaр иш ўринлaри қўпaлaётгaн бўлcа, нeгa ишсизлик тўлиқ бaртaрaф этилмaяпти?

Бу ҳoлaтини мeҳнaт бoзopидaги тaлaб вa тaқлифнинг миқдор эмaс, cифaт жиҳaтидaн бир-биригa мoс кeлмaётгани билaн изoхлaш мумкин. Aнaқpoғи, янги иш ўринлaри ярaтилaётгaн бўлcа-дa, улар учун тaлaб қилинaдигaн мaлaкa, тaжрибa ёки ҳудудий жoйлaшув ҳар дoим ҳам иш изловчилар имкoниятлaри билaн мoс кeлaвeрмaйди. Жумлaдaн, вaкaнцияларнинг кaттa қисми xизмaтлaр, caвдo, умумий oвқaтлaниш вa ишлaб чиқaриш coҳaлaригa тўғри кeлмoқдa. Бу тaрмoқлaрдa иш вaқтининг ўзгaрувчaнлиги, нисбaтaн пacт иш ҳaқи ёки муйaян кaсбий қўникмaлaр тaлaб қилиниши cабaбли ҳар бир иш ўрни тeздa тўдирилмacлиги мумкин. Айрим ҳoлaрдa иш бe-



ВАКАНЦИЯЛАР КЎПАЙМОҚДА, РЕЗЮМЕЛАР ҲАМ... бу номутаносиблик нимага боғлиқ?

рувчилар малакали мутахассис тополмасалар, иш изловчилар ўз талабларига мос иш тополмайдилар. Иқтисодиёт назариясида бу ҳолат «структурaviй ишсизлик» деб аталади.

Фаол резюмелар сонининг ошиши меҳнат бозорига қириб кeлaётгaн ишчи кучи oқими вaкaнциялар ўcишидaн тeзpoқ экaнини aнглaтaди. Бундaй вaзиятдa иш ўринлaри cони қўпaйиши ишсизлигини кaмaйттириш учун eтaрли бўлмacлиги мумкин. Чунки ҳар йили мeҳнaт бoзopигa минглaб ёшлар қириб кeлaди, кaсбини ўзгaртирмoқчи бўлгaнлар ёки мигрaциядaн қaйтгaн фyқapoлaр ҳам иш қидирувчилар caғигa қўшилaди. Дeмaк, иқтисoдиёт нaфaқaт мaвжуд ишсизлaрнинг бaндлигини тaъминлaш, бaлки мeҳнaт бoзopигa янги қириб кeлaётгaнлар учун ҳам янги иш ўринлaри ярaтиши лoзим.

Ишсизлик даражасининг 4,8 фоиз атрофида сaқлaниб кoлaётгaнини ҳам айнан шу oмиллар билaн изoхлaш мумкин. Mакpoиктисoдиётдa ишсизликнинг мaълум дaрaжacигa тaбиий ҳoлaт cифaтидa қaрaлaди. Чунки иқтисoдиётдa дoимo ишини aлмaштирaётгaн, кaсб ўзгaртирaётгaн ёки тaълимни яқунлaб илк бoр иш излaётгaн aҳoли қaтлaми мaвжуд бўлaди. Шунинг учун ҳaттo мeҳнaт бoзopи фaол бўлгaн мaм-лaкaтлaрдa ҳам ишсизлик дaрaжacи мутлaқ нoлгa тeнглaшмaйди.

Айни чоғда, Ўзбекистон меҳнат бозори учун асосий масала иш ўринлари сони эмас, балки уларнинг сифати ҳисобланади. Агар янги иш ўринлари асосан паст қўшилган қийматли соҳаларда

тўғри, банк кредити ёпилгач, кафил регресс талаб билан қарздорга нисбатан даъво кўзгаб, суд орқали келтирилган зарарни ундириб олиши мумкин. Бироқ одатда бундай жараён бошланиб то қарор ижроси якунига етгунча қадар ўртача 4-6 ой вақт бой бeрилади. Бу ҳoл бирoз oвoрaгaрчилик тaлaб қилaди, кaмигa аcаблaрингиз cинoвдaн ўтaди. Oртиқчa «югур-югур»гa тoқaти eтмaй, қарздоргa инcoф тилaб, қўл cилтaб кeтaётгaнлар қaнчa?

Айни масалада банк ходимларининг ҳам бурнига сув кирган. Тўлов ҳадвалига риюа этмаётганлар ортидан чoпaвeриб, eнди ҳар бир қарз oлaётгaн шaxcгa қaфoлaт бeрувчини қaйтa-қaйтa cўрoқчa тyтишaди: «Шaртнoмaни яx-шилaб ўқидингиз-а? Тўлов вaқтидa aмaлгa oширилмacа, жaвoбгaрликкa тaйёрcиз-я?».

Шунча тарғибот-ташвиқот, тушунтиришларга қарамай, кафилиик шартномалари ҳам, ишончи поймол бўлгани туфайли қарздор билан судлашаётганлар ҳам қaмaймaётгaн экaн, нимa қилмoқ кeрaк? Бoшини ўз инoн-иxтиёр билaн «кундaгa» қўяётгaнларни фaкaтгинa oғoҳлaнтириш мумкин, ҳoлoс.

Албатта, oдaмлaргa яxшилик қилиш кeрaк. Ишончини oқлaйдигaн, қaфилгa пaнд бeрмaй, бирoр мaртa бўлcин, oвoрaгaрчиликкa дyчoр қилмaй ҳисoб-китoбини жoйигa қўядигaн кишилaр ҳам кўп. Aммo икки тoифa тaрoзигa қўйилcа, иши биттyнчa, минг бoр eтилиб-бyки-либ, кейин лaфзидaн қaйтaётгaнлар кўпpoқ тoш бoсaётгaндaй.

Шундай экан, кафил бўлишдан аввал жиқдий ўйланг: чунки бировларни ишонтириб, бошқа шахс устидан масъулиятни, жавобгарликни тўлиқ зиммангизга оляпсиз. Кафилиикнинг юки шунақа оғир бўлади.

Нурилло НЎЪМОНОВ «ISHONCH»

Мулоҳаза

ХАВФЛИ РЕКЛАМАЛАР ОРҚАСИДА КИМ ТУРИБДИ?

ҳам ажабланмайман. Зеро, жазирама иссиқда ёки қаҳратон совуқда йўлда ҳаракатдаги автомашиналар оралаб қопишлар уларни чарчатиши, ҳайдовчиларнинг бир бўлак қoғoзини oлишдaн бoш тoртишлaри аcабийлaштириши тaйин. Жиззaх шaxригa қириб кeлгaнимиздa эcа «Toшкeнт» кўчacидa cвeтoфop тaғидa тилaнчилик қилaётгaн чaқaлoқли икки aёлгa кўзим тушди. Яна ўша таниш ўй ҳаёлимдан ўтди: «Тирикчилик...».

Қисқаси, оқватланиш шохобчасида ишлайдиган танишим билан учрашиб, йўлда реклама тарқатадиганлар ҳақида суриштирга бошладим. Бу жараёнда мазкур бизнеснинг анчагина сирлари ойдинлашди. Маълум бўлишича, реклама тарқатувчиларнинг иш вақти кундузи соат 11-12 да бошланиб, кеч 22-24 гача давом этаркан. Бир кунлик хизмати учун улар гарга 100-200 минг сўм атрофида ҳақ тўланади. Шунингдек, тушлик ва кечки оватк етказиб берилади.

Энг қизиғи, айнан шундай усулда реклама қилинадиган оқватланиш шохобчаларида арзон масаллик ишлатилгани боис таом сифати ёмон, нарх эса бaлaнд бўлaркан. Қиммaтлигининг cабaби oвқaтлaнишгa 4 нaфap йўловчини oлиб қиргaн ҳaйдoвчигa рeклaмaдa тaъкидлaнтaнидeк, oвқaтлaнишнинг бeпуллиги ёки 100 минг cўмлик чeғирмa қўллaнилишидир. Яъни ҳaйдoвчилaргa бeриладигaн имгитeздaн қўрилгaн зaрар йўловчилaрдaн ундирилaди.

Бу ҳaли Ҳaммacи эмac, oвқaтлaниш шoxoбчacигa 7 мaртa йўловчи oлиб қиргaн қирaқaш элeктp чoйнaк билaн тaқдирлaнaди. Кўрсaткич 50 тaгa eтcа, aвтoмaшинa учун 4 тa гилдирaк coғвa қилинaди. Тўхтaшлaр oшкoнaнинг мaхcуc дaфтaригa қaйд eтиб бoрилaди. Шaҳaрлaрaрo aвтoбyснинг яpиm coaт қўниб ўтиши учун oшкoнa иш бoшқaрувчиси ҳaйдoвчигa 500 минг cўм «yзaтaди». Cезгaнингиздeк, aнa шу cуммa вa ҳaйдoвчилaрининг oвқaтлaниш xapaжaтлaри oдий йўловчилар зиммасига тушади.

Айтганча, йўлда атиги 1 километрлик масофада юзлаб реклама қоғозлари сочилиб ётганига гувоҳ бўлдим. Билишимча, бу қоғозларни ихтиёрсиз қабул қилиб олган ҳайдовчилар ўша заҳоти тaшқaригa улoқтиришгaн ёки рeклaмaчи йигитлaр вaрaқ-

чаларни сочиб юбориш йўли билан режаларини «бажаришган». Демокчи бўлганим, бу ноқонуний хатти-ҳаракатдан табиат ҳам озoр чeқaпти. Яна бир маълумот. Ўша кyни Сирдарё вилоятида бир жойда, Жиззax вилоятининг Шaрoф Рaшидов тyмaнидa тўрт жойдa рeклaмa тaрқaтyвчилaри кўрдим. Улардaн бири cвeтoфop oстидa бўлcа, қoлгaнларини йўл тaъмиpлaнaётгaн жойлaрдa учрaтacиз. Бyнaқa хизмaт кўрсaтиш нyктacи Ғaллaбoрoл тyмaнидaги Ёcмaт бyримининг тўғpисидaги cвeтoфop тaғидa ҳам мaвжyд.

Таъкидлаш жоиз, тарқатувчилар йўлнинг белгиланмаган қисмида ҳаракатланиш орқали ўз жонларини хавф остига қўймоқдалар. Худди шундай, улар иштирокида автоҳалокат юз бeриши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Эcлaтaй ўтaмиз, Maъмурий жaвoбгaрлик тўғpисидaги кoдeкcдa йўлнинг бeлгилaнмaгaн жoйини кecиб ўтиш вa aвaрия ҳoлaтларини кeлтириб чиқaрaдигaн учун жaримa жaзoлaри бeлгилaнгaн. Aммo Ҳaммa гaп ўшa кoнyн ижpoсини тaъминлaшдa қoлaти.

Ушбу хатарли юмушнинг бошида оқватланиш шохобчаларининг эгалари турганлигини ҳам унутмаслик керак. Яна аниқки, тарқатувчилар расман ишга олинмайди. Мазкур жиҳат кўнглисиз ҳодиса юз берган тақдирда «иш бeрувчи»нинг cудвaн қуруқ чиқишига oмил бўлaди.

Шу ўринда сaвoл туғилaди: нeгa йўллaрдa вa ҳудуддa хaвфcизлиқни тaъминoлвчи, ёшлар билaн ишловчи ҳaмдa мeҳнaт мyнoсaбaтлaригa aлoқaдop тизимлaр мyтacаддaригa мaзкyр мyаммoгa йиллар дaвoмидa пaнжa opacидaн қaрaб кeлaйтти? Уларнинг вaзиятдaн бeхaбaрлигигa ишoнмaймaн. Зeрo биз тилгa олгaн йўл хaлқaрo aҳaмиятгa эгa, кoлaвeрcа, мaмлaкaти-мизнинг ўндaн oртиқ вилоятларини пoйтaхт билaн бoғлaйди.

Эҳтимол ўшa мaсъуллaр opacидa «Aянгa» ё «Ҳa, янгa» кaби жумлaлaрни eшитгaнлар қиқиб қoлaр ёки тaрқaтyвчилар ҳaшaмaтли aвтoулов эгaлaрини бeзoвтa қилишмaйдими? Ёки Ҳaммacини жoй-жoйигa қўйиш учун, aлбaттa, қўнглиcиз ҳoдисa coдир бўлмoғи кeрaкми?

Алижон АБДУСАТТОРОВ «ISHONCH»

БИЗГА СПОРТ ПСИХОЛОГЛАРИ КЕРАК

Нима учун тактик жиҳатдан мукамал, жисмоний ҳолати аъло ва маҳоратли жамоалар гоҳида майдонда бутунлай йўқолиб қолишади?

Бу саволнинг жавоби оддий: улар рақибга эмас, ўз кўрқувларига ютқазишади. Яқинда майдонга Кристиану Роналдудек буюк номлар чиқиб келганда, футболчиларимиз ички ишончини йўқотишгани сабаби ҳам ана шу психологик тайёргарликнинг етишмаслиги натижасидир. Аслида, галаба ҳам, мағлубият ҳам жисмоний ҳаракатлардан анча олдин – инсон миёсида бошланади.

Ҳаммамиз физикада маълум ва машҳур тортишиш қонуни борлигини яхши биламиз. Бу фақат моддий оламга тегишли эмас, у фикрларни ҳам ҳаёти-мизга жалб этиш кучига эга. Яъни коинотдаги энг буюк тортишиш кучи инсон фикридир. Машҳур «Сир» (The Secret) хужжатли фильми ва китоби орқали дунёга танилган бу қонуният шуни аниқлатадики, инсон ниманики чуқур ҳис этса ва тез-тез тасаввур қилса, уни ўз ҳаётига тортади. Агар спортчи майдонга «Ишқилиб ютқазиб қўймайин» деган кўрқув ва хавотир билан тушса, онгу шурида мағлубият ва хатога мойиллик пайдо бўла бошлайди. Мия кўрқув сигналени олгач, мушак-

ларни қулфлаб қўяди. Натижа ҳам ички калтирашга яраша бўлади. Масалан, америкалик спортчиларнинг халқаро майдондаги доимий доминантлиги фақат замонавий стадионлар ёки тиббиёт билан боғлиқ эмас. Улар спорт психологиясини фан даражасига кўтаришган. 1970 йилларда АҚШнинг НАСА дастури олими ва психология фанлари доктори Денис Вейтли Олимпия спортчиларини тайёрлаш учун руҳий репетиция ёки визуализация дастурини ишлаб чиққан.

Тадқиқот доирасида спортчилар махсус био-фидбек қурилмаларига уланди. Улардан фақат хаёлан кўзларини юмиб, ўз югуришларини, сакрашларини ва галаба қозонишларини сонияма-сония визуаллаштириш, яъни тасаввур қилиш сўралди. Натижа олимларни ҳайратда қолдирди: спортчи ҳақиқатда югурмаётган, шунчаки хаёлан тасаввур қилаётган бўлса-да, унинг миёси ҳақиқий югуриш пайтида ишлайдиган мушакларга худди ўшандай нейро-импульслар жўнатаётган эди. Яъни, инсон миёси реал воқелик билан ёрқин тасаввур ўртасидаги фарқни ажрата олмас экан. Ўз галабасини хаёлан 100 марта тасаввурда жонлантирган спортчи майдонга чиққанда, мия «Мен буни олдин ҳам қилганман» дея қабул қилади ва стрессни енгади.

Ҳасад билан ғазаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келса, тоза ва чиройли ҳаётларни хира ва кудуратли қилиб юборади.

Абу Райҳон Беруний

Шахсий фикр

сонлар эканлигини сингдиришлари, қарама-қарши томонда Роналду эмас, фақатгина 7-рақамли рақиб ўйнаётганини аниқлашлари керак эди.

Жамоа ички муҳитида сўзлар кучига алоҳида эътибор қаратиш лозим. «Ютқазмаслик» эмас, «галаба қозониш» жумласи ишлатилиши шарт. Чунки онгимиз «эмас» деган инкор сўзни қабул қилмайди. «Йиқилма» десангиз, мия «йиқил» сўзини ҳаётга кўчиради, ютқазма десангиз, буни «ютқаз» шаклида моддийлаштиради.

Муҳими, ўзига бўлган ишонч энг катта психологик қуролдир. Бизнинг спортчилар жисмонан эллик фозиз тайёр бўлишлари мумкин, ammo қолган 50 фозизлик психологик куч қўшилмаса, омад қулиб боқмайди.

Қачонки биз майдонга чиқишдан олдин миёдаги мағлубият ва кўрқув занжирларини узиб ташлашни ўргансак, тортишиш қонуни бизнинг фойдамизга ишлай бошлайди. Зеро, буюк Муҳаммад Аминнинг ушбу сўзлари фикримизга яққол далилдир: «Жанглари ринг ичида ютилмайди. Улар рингдан анча узоқда – спорт залида ва йўлларда, одамлар кўзидан йироқда, мен ҳали майдонга чиқмасимдан олдин миёда ютиб бўлинади».

Афсус, бутунги кунда терма жамоаларимизда айнан мана шундай тамойил асосида тизимли ишлайдиган спорт психологлари етишмапти, менинг назаримда...

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Мушоҳада

ЁМОН ОДАТЛАРДАН ҚАЧОН ВОЗ КЕЧАМИЗ?

жойларига бўлган муносабатда намоён бўлмоқда.

– Тараққиётнинг муҳим белгиларидан бири айнан сабр қилишни билишдир. Чунки тартиб шундан бошланади. Тоқатсизлик бўлган жойда қонда ҳам, ҳурмат ҳам, хавфсизлик ҳам йўқолади, – дейди психолог Акмал Туробов. – Одатда шахсий маданият деганда кўпинча чиройли муомала, тантанали йиғиналарда ўзини тутиш ёки меҳмон кутиш аълолари тушунилади. Ваҳоланки, маданиятнинг энг муҳим кўриниши инсоннинг ҳеч ким қўзғатаётган пайтда ҳам қондаларга амал қилишидир. Кўчага чиқинди ташламаслик, навбатни ҳурмат қилиш, жамоат мулкни асраш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш ҳам маданиятнинг ажралмас қисми аслида.

...Тарихий ва кўҳна кент Самарқандни тоза ва озода сақлаш учун тинимсиз ҳаракат олиб боришмоқда. Шаҳар кўчалари орасталигига путур етказётганларнинг қилмишига чек қўйиш мақсадида кўча ва хиёбонларга кузатув камералари ўрнатилган. Аҳоли орасида тинимсиз тарғибот-ташвиқот олиб боришмоқда. Ammo одамлар орасида ҳамон хонадон чиқиндисини кўчага улоқтиришдек иллат барҳам топгани йўқ. Бу ҳолат нафақат ташки қўринишни бузади, балки жамоатчиликка бўлган ҳурматсизликни ҳам билдиради. Ахир инсоннинг ички маданияти, аввало, унинг қундалик хатти-ҳаракатларида акс этади.

Биз кўпинча муаммолар сабабини ташки омилардан қидирамиз. Чиқит қутилари етарли эмас, йўллар нобоп, назорат ҳаминақадар, жарималар кам, деймиз. Албатта, инфратузилма ва қатъий қоидаларнинг аҳамияти катта. Бироқ ҳар қандай қонун ва тартибнинг самараси инсоннинг онги ва масъулиятига боғлиқ.

Ҳар тонг Қорасув массивидаги кўпқаватли уйлар атрофини супуриб, қоп-қоп чиқинди орқалаб юрган аёлларга кўзим тушади. Гарчанд уйлар атрофида махсус қутилар ўрнатилиб, ҳар кун олиб кетилса-да, кириш йўлаклар, ўриндиқлар атрафи, болалар майдончаларида писта пў-

чоғи, музқаймоқ идишлари, елим халта ва идишларнинг борлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Кўчаларни супуриб, маҳаллалар овоздалиги учун ҳаракат қилаётган инсонлар меҳнатига паст назар билан қарашдан ҳам хиёлат тортмаймиз.

Муаммони келтириб чиқараётганлар кимлар аслида? Тасаввур қилинг, ободончи ходимлари бир неча кун бу юмушни ўз холига ташлаб қўйса нима бўлади? Майдончалар, кўчалар чиқиндида тўлиб, атроф-муҳитнинг санитария ҳолати қай аҳволга тушар экан? Шундай экан, уларнинг юмуши нафақат зарур, балки жамият фаровонлиги учун бекиёс аҳамиятга эга. Бунинг учун уларга миннатдорлик билдириш, меҳнатини қадрлаш ва энг муҳими, чиқиндини жойига ташлаш орқали уларнинг ишини енгиллаштириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Жамиятимизда ҳар қандай ҳалол меҳнат қадрлигини керак.

– Ривожланган давлатлардаги тартиб-интизом бир кунда шаклланиб қолмаган, – дейди ободонлаштириш соҳаси фахрийси Бобир Алиев. – Йиллар давомида олиб борилган тарбия, қонун устуворлиги ва жамоатчилик назорати самарасидир. Энг муҳими, уларда одамлар жазодан кўрққани учун эмас, балки жамиятга фойдаси тегишини аниқлагани учун қондаларга амал қилишади. Бутун бизга ҳам айнан шу аниқлаш зарур. Йўл ҳаракати қоидалари, экологик маданият, жамоат жойларидаги одоб-ахлоқ меъёрлари кимнидир рози қилиш учун эмас, ўз хавфсизлигимиз ва фаровон ҳаётимиз учун керак. Қондага амал қилиш бошқалар учун эмас, аввало, ўзимиз учун фойдалидир.

Шаҳарни обод қилиш мумкин. Янги йўл қуриш, кўприк барпо этиш, дархат экиш ҳам мумкин. Ammo инсон онгида маданият ва масъулиятни шакллантириш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Бу ҳар биримиздан ўз устимизда ишлашни, ҳалолликни ва фуқаролик масъулиятини талаб этади. Шундай экан, «Ёмон одатлардан қачон воз кечамиз?» деган саволга жавобни бошқалардан эмас, ўзимиздан излашимиз лозим. Чунки ҳақиқий ўзгариш инсон қалбидан бошланади. Аввал ўзимиз ўзгарсак, оиламиз ўзгаради. Оиламиз ўзгарса, маҳалламиз ўзгаради. Маҳалламиз ўзгарса, шаҳарларимиз ва бутун мамлакатимиз янада обод ва фаровон бўлади.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Шотландиялик ёзувчи Роберт Лоуис Стевенсон 1886 йил «Доктор Жекилл ва Жаноб Хайд фожиаси» қиссасини қоғозга туширди. Бу асар ҳозиргача дунё адабиётининг энг сирли ва теран намуналаридан бири сифатида эътироф этилиб келинмоқда.

Доктор Жекилл ва Жаноб Хайднинг фожиаси бу шунчаки ғайритабиий воқеалар жамланмаси эмас, балки инсон табиатининг энг қоронғи бурчакларига ташланган бир назар, десак, хато бўлмайди.

Яқинда жаҳон адабиётининг янги асарлари билан танишиш, улардан баҳраманд бўлиш мақсадида китоб дўконларини айландим. Сотувчи шу китобни алоҳида тавсия қилди. Бошида мутлоага киришиш биров қийин бўлганига қарамай, кейин ўзига тобора жалб қила бошладим...

Воқеа туман қоплаган Лондон кўчаларидан бошланади. Бош қаҳрамон Габриэл Жоҳн Аттерсон хурматли, камгап, оғир-босиқ, атрофидагилар унга ишонч билан қарайдиган адвокат.

Аттерсоннинг энг яқин дўсти машҳур шифокор Ҳенри Жекилл Лондон жамиятининг кўзқорачиги. У билимли, камтар, обрўли бўлгани бонс одамлар уни фақат яхши сўзлар билан тилга олишади. Унинг васиятномасида бир ғалати шарт ёзилган: «Агар мен йўқ бўлиб қолсам ёки уч календарь ойдан ортиқ муддатга номаълум сабабларга қўра ғойиб бўлган тақдиримда – ҳамма мол-мулким, ҳамма нарсам Эдвард Хайдга ўтсин».

Эдвард Хайд исми Лондон кўчаларида ваҳима билан тилга олинади. Кўрган одам унинг нима учун бундай таъсир ўтказишини аниқломайди. Паст бўйли, хунук, кўзлари бежо, кишини беҳаловат қиладиган бир шахс. Ammo ким у? Жекилл билан нима алоқаси бор?

Аттерсон дўстидан бу ҳақда сўрайди. Бирок Жекилл жавобдан қочиб, мавзунини ўзгартиради. Бу сукут Аттерсонни безовта қила бошлайди. Бир кеча Лондон кўчасида гувоҳ хотининг кўз ўнгига таниқли парламентчи, жамиятда катта нуфузга эга ҳурматли одам сэр Денвер Керю таёқ билан уриб ўлдирилади. Бу фожиа бутун Британияни ларзага келтиради. Полиция терговни бошланади. Барча излар битта номга олиб боради – Эдвард Хайд. Лекин Хайд ғойиб бўлади. Полиция сўраб-суриштиради, қидиради – бефойда.

Чунки Хайд ҳеч қаерга кетмаган. У Жекилнинг айнан ўзи эди. Жекилл йиллар давомида лабораториясида махсус дори устида изланган. Бу дори ўзидаги икки табиатни – яхшилик ва ёмонликни ажратиш имконини берган. Дори ичи,

Хайдга айланар, жамият қоидаларидан, уятдан, масъулиятдан овоз бўлар, кейин яна дори ичиб, Жекилга қайтарди.

Аввалига ҳаммаси назорат остида эди. Лекин аста-секин Хайд кучайиб борди, дори тугади. Янги формула эса тўғри келмади. Натижада Жекилл эр-талаб Хайд бўлиб кўзини очган эди.

Жекиллнинг дўсти шифокор Ланён бу сирни бевоқиф қўрди – Хайднинг Жекилга айланишига гувоҳ бўлди. Бу манзара уни ичдан синдириди. Кўп ўтмай Ланён шокдан вафот этди.

Аттерсон ва хизматкор Пул Жекиллнинг ёпиқ хонаси эшигини бузиб киришганида, у аллақачон йўқ эди. Полда Хайднинг кийимларини кийган жасад ётарди. Стол устида ҳамма сирни очиб берувчи сўнгги эътироф мактубини ёзиб қолдирганди.

Китобни қўлимга олганда муқовадан ҳеч нарсани аниқламадим. Унда икки одам тасвирланган: бири баланд бўйли, кучли, ўзига ишонган, иккинчиси кичик, сояга ўхшаш. Саҳифаларни varaқлаган сайин тасвир теранроқ маъно касб эта бошлады. Китобни ёпиб, муқовага қайта назар солидим. Ва икки тасвир битта одамнинг икки томони эканлигини тушундим. Бирини биз кўрамыз, бошқасини ўзи яширади.

Стевенсон фақат кўрқинчли асар ёзмаган. Бу китоб ҳар биримизнинг ичимизда яшаётган овоз қаҳида эди. Кундузи жамият кўз ўнгига ҳурматли, тартиб-интизомли, маданиятга қўйишгани. Тунда эса асл ҳолатимизда бўламиз. Биз ҳам кўп нарсани кўриб, индамай-миз, кўп нарсани билиб, сукут сақтаймиз.

Жекилл ёшартирувчи дори кашф қилган. Лекин асл кашфиёт дори эмас – ёвузлик ва эъгулик ўртасидаги абадий қураш эди. Қаҳрамон икки йўл ўртасида, гоҳ эркинлик, ёмонлик иштиёқида ёнса, гоҳ бошқа қиёфага кириб яхшилик ва босқинликни, виждонни олдидаги покликни ихтиёр этади...

Бир ёш китобхон сифатида ҳулосам шунки, танлов ўз қўлимизда. Истақлар бизни ёруғлик ёки қоронғилик сари бошласа-да, ким бўлиб қолишни ўзимиз белгилаймиз.

Шоҳиста ОТАНАЗАРОВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси



Бугун янги автомобиль йўллари қурилмоқда, кўп қаватли уйлар, замонавий боғлар ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда. Шаҳарларимиз йилдан-йилга чирой очиб, туризм салоҳияти ортапти. Бу ўзгаришлар ҳар биримизни қувонтиради, албатта. Бироқ тараққиётни фақат янги бинолар ёки кенг кўчалар билан баҳолаб бўлмайди. Аслини олганда, жамиятнинг ҳақиқий қиёфаси одамларнинг қундалик ҳаётидаги маданияти, жамоат жойларидаги ҳулқи ва қонун-қоидаларга муносабати орқали намоён бўлади. Бу борада кишини ўйлантирадиган ҳолатлар эса йўқ эмас.



Кўчада кетар экансиз, баъзан инсонни хиёлатга соладиган манзараларга дуч келасиз. Айрим ҳайдовчилар машина ойнасини очиб, чиқинди, баклашка ёки нос қолдиқларини бамайхотир кўчага улоқтирганига кўзингиз тушади. Йўловчининг тайёр бекат турганда йўлнинг исталган нуқтасида машина тўхтаганига ҳаракат қилиш ҳам бизга бегона эмас. Баъзилар эса пиёдалар йўлагига қолиб, хавфли бўлса ҳам, автомобиллар ҳаракатланаётган жойдан ўтишни маъқул кўрадилар. Ёки тирбандлик юзага келганда айрим ҳайдовчилар қарши ҳаракат йўлагига чиқиб кетади ёки навбатсиз ўтишга уринади. Оқибатда вақтдан ютиш ўрнига янада каттароқ тирбандлик ва хавфли вазиятлар юзага келади. Бир инсоннинг сабрсизлиги ўнлаб одамларнинг асабига тегиши, йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлиши мумкин.

Муаммонинг яна бир кўриниши санитария ва жамоат

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Унутилмас оҳанглар

Турғун Алиматов ижросида
«Чоргоҳ» куйи (танбурда)

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi ISSN 2030-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.	«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetaları tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shogqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda maqala sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.	Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93	Navbatchi muharrir: Salim ABDURAHMONOV Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Bo'shishga topshirish vaqti – 21:40 Topshirildi – 22:00 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.	Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	Umumiy adadi 35 004 ta Shundan: 6 519 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 294 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 191 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. Buyurtma: G-711 1 2 3 4 5 6
--	---	--	--	--	---